



ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

АДОЛАТ

2007 йил 23 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ДИЛОРАМ ГАФУРДЖАНОВНА ТАШМУХАМЕДОВАНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛИ



Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод.

1962 йили Тошкент вилоятида хизматчи оиласида туғилган. Миллати — ўзбек. Олий маълумотли, 1984 йили Тошкент давлат тиббиёт институтини тугатган. Мазкур институтда ўн йилдан ортиқ вақт мобайнида илмий-педагогик фаолият юритган. 1993 йили номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб, тиббиёт фанлари номзоди илмий даражасини олган. 1994 йили «Фармед» хусусий фирмасини ташкил қилган.

2003 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг давлатлараро муносабатлар ва ташқи иқтисодий алоқалар факультетини тугатган. Халқаро муносабат-

лар магистри.

2001-2004 йиллари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати бўлган. 2004 йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланган, халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси.

2005 йилда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши биринчи котиби ва партиянинг парламентдаги фракцияси раҳбари этиб сайланган.

2007 йилнинг июль ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари лавозимига сайланган.

У парламентнинг қонунчилик ва назорат-таҳлил фаолиятида, жамиятда янада демократлаштириш ва либераллаштиришнинг мустақам ҳуқуқий негизини яратишда, мамлакатимизда кенг қўлланми соҳада. Партиянинг парламентдаги фракцияси раҳбари сифатида партия аъзолари ва хайрихоҳларнинг манфаатларини қатъий ҳимоя қилиб келмоқда.

Д. Тошмухамедова мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий ислохотларни ўтказиш, кўп партиявийлик ва демократик институтларни ривожлантириш, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятини такомиллаштириш, жамият ҳаётида хотин-қизларнинг ролини ошириш ҳамда тиббиётнинг долзарб масалаларига бағишланган кўплаб мақолалар муаллифи.

Оилали, тўрт фарзанднинг онаси. Турмуш ўртоғи Р. Тошмухамедов — хусусий корхона раҳбари.

Д. Тошмухамедова 2006 йили «Дўстлик» ордени билан мукофотланган.



Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси 2007 йил 16 ноябрдаги мажлисида «Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 14, 25-моддаларига мувофиқ, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, Тadbirkorlar ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва сайловчилар ташаббускор гуруҳи томонидан топширилган ҳужжатларни қўриб чиқди.

Қонунда белгиланган муддатда ўтказилган текширув натижаларига кўра, ишчи гуруҳлари тақдим этилган ҳужжатларнинг сайлов қонунчилиги талабларига мослиги хусусида ўз хулосаларини берди. Марказий сайлов комиссиясининг мазкур мажлисида «Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 14, 25-моддаларига мувофиқ, қўйилганлар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинди: Ўзбекистон Халқ демократик партияси — Аслид-

дин Ашурбаевич Рустамов, 1962 йилда туғилган, Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари; «Адолат» социал-демократик партиясида — Дилорам Гафурджановна Ташмухамедова, 1962 йилда туғилган, «Адолат» социал-демократик партияси аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари; сайловчилар ташаббускор гуруҳидан — Акмал Холматович Саидов, 1958 йилда туғилган, партиясиз, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг раиси; Тadbirkorlar ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясида — Исроил Абдуғаниевич Каримов, 1938 йилда туғилган, партиясиз, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар илгари сиёсий партиялар курултойлари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳи йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сифатида қўрилган.

Марказий сайлов комиссияси мажлисида шу нарса таъкидландики, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ва Ўзбеки-

стон Фидокорлар миллий-демократик партияси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига қўрилганларнинг қўллаб-қувватлаш учун сайловчиларнинг зарур бўлган миқдордаги имзоларини тўплай олмади ва ушбу партиялар бу ҳақда Марказий сайлов комиссиясини хабардор қилди. Мазкур ахборот инobatга олинган кайд этилди.

19 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси матбуот марказида мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзоулуғбек Абдусаломов журналистларга Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлисида муҳокама этилган масалалар — Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш, уларнинг оммавий ахборот воситаларида сайловолди ташвиқоти бошланганлиги ҳақида маълум қилди.

«Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 28-моддасига асосан, сайловолди ташвиқоти Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар рўйхатга олинган кундан бошланади. (Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоаси аъзоларининг бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

Футбол бўйича ногирон-ампутантлар ўртасида ўтказилган 2007 йилги жаҳон биринчилигида чемпионлиқни қўлга киритиб, жасорат ва матонат намунасини кўрсатгани, халқаро мусобақаларда юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган спортчи ёшларни тарбиялашга, ўзбек футболининг шухрати-ни дунёга танитиш, унинг нуфузини юксалтиришга катта ҳисса қўшгани учун қуйидагиларга фахрий ун-вонлар берилсин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози»

Исмаилов Анвар Акбарович - Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг бош мурабийси

Сулеймонов Павел Таджибаевич - Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг аъзоси

Турсунбаев Хайдарали Умаралиевич - Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг аъзоси

Шукуров Абдуҷамил Абдулазизович - Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг аъзоси

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри, 2007 йил 22 ноябрь

И.КАРИМОВ

Бугунги кун мавзуси

ХАЛҚАРО МЕЗОНЛАРГА МОС

Сайловлар демократиянинг муҳим институтларидан ҳисобланиб, халқ иродасини ифодаланишининг, унинг сиёсий ҳаётдаги фаол иштирокнинг шаклларида бирийдир. Сайловларнинг демократиклиги учта асосий шарт билан белгиланади: яъни, бйиринчидан, мубоҳиллик; иккинчидан, сайлов кампаниясини ўтказишда эркинлик; учинчидан эса, сайловчилар хоҳиш-иродаларининг эркин ифодаланиши. (Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ДИЛОРАМ ГАФУРДЖАНОВНА ТАШМУХАМЕДОВАНИНГ

ДАСТУРИ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий соҳаларда улкан ислохотлар амалга оширилди. Халқнинг турмуш даражаси анча ўсди. Иқтисодиёт илмий ривожланиб, кўплаб йирик корхоналар қурилиб ишга тушрилди. Мамлакатни модернизация қилиш ва демократлаштириш, иқтисодиёт ва сиёсий ҳаётни либераллаштириш жараёнида чўқурлашмоқда. Ватанимиз тарихида ilk бор икки палатали профессионал парламент шакллантирилди. 2007 йил 23 декабрда бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайловда мамлакатимизда фаолият юритаётган барча сиёсий партияларнинг иштирок этиши демократик ислохотлар чўқурлашганига ва ижтимоий-сиёсий ҳаёт эркинлашганидан далолатдир.

Ислохотларни изчил давом эттириш, бу йўлдаги айрим тўсиқларни бартараф этиш давр талабига айланмоқда. Шу муносабат билан қуйидаги стратегик вазифаларни белгилаб олиш ва амалга ошириш лозим:

- «Адолат» ҳаётимизнинг бош мезони» тамойилини ҳаётга тула-тўхис татбиқ этиш;
- мамлакатимиз кудратини янада мустақамлаш;
- эркин бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат қурилиш давом эттириш;
- фуқаролик жамияти институтларини мустақамлаш;
- халқ фаровонлигини янада ошириш;
- халқаро майдонда Ўзбекистоннинг нуфузини юксалтириш.

Шунингдек, ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ислохотларни, айниқса, қишлоқ жойларда чўқурлаштириш ва жадаллаштириш, илм-фан, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш соҳаларидаги ислохотларни янада чўқурлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш, ушбу соҳадаги ислохотларни изчил амалга ошириш, аёлларнинг жамиятдаги маъқолини янада ошириш, ёшларга оид сиёсатни ривожлантириш каби вазифалар ҳам ушбу сайловолди дастурдан кенг ўрин олган.

Дастурнинг устувор йўналишлари

Биринчи йўналиш иқтисодий соҳани қамраб олади. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда тўб иқтисодий ислохотлар амалга оширилди. Бу йўлдаги сай-ҳаракатларни бундан

буён ҳам изчил давом эттириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Биз ана шу мақсадда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ҳаракат қиламиз. Иқтисодиёт соҳасига доир қонунчилик базасини такомиллаштириш, тadbirkorликнинг кенг тараққи этишига ҳалақит берувчи айрим тўсиқларни бартараф этиш, шубҳасиз, товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмининг кескин ўсишига олиб келади.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларимизнинг жаҳон бозорига рақобатбардорлигини таъминлаш, энергетика самарадорлиги ва энергия тежамкорлигини ошириш давримизнинг асосий талабларидан бирига айланмоқда. Шу сабабли биз учун энергия ресурсларини тежаш, ноанъанавий ва қайта тайланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари янада қулай-тириш масалалари муҳим аҳамиятга эгадир.

Шу билан бирга, қайта ишлаш саноатини ривожлантириш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этаётганини ҳисобга олиб, биз ушбу соҳада ҳам тегишли тadbirkorларни амалга ошириш ниятидамыз.

Ҳозирги авлоднинг келажақ олдидаги масъулиятини чуқур англаган ҳолда, барқарор тараққиётимизнинг асосларидан бири бўлган табиий бойликлариимизни асраб-авайлаш ҳам биз учун алоҳида аҳамиятга эга бўлиб қолаверадди.

Биз ахборот технологиялари, хусусан, Интернет тармоғини ривожлантиришнинг стратегик дастурини амалга ошириш учун мавжуд захираларни йўналтириш, ушбу дастур орқали хизматлар кўрсатиш ва электрон савдонини қўллаб-қувватлаш бўйича қатор муҳим тadbirkorларни амалга ошириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Иккинчи йўналиш ижтимоий соҳага оид бўлиб, биз учун муҳим аҳамиятга эга. Холбуки, «Адолат» социал-демократик партиясининг мафқуравий негизини ҳам жамиятимиздаги тинчлик ва оқо-ишталик, фуқаролар, миллатлар ва динлараро тўтовлиқни мустақамлашнинг муҳим шарти ҳисобланган ижтимоий адолат қояларини изчил амалга ошириш ташкил этади.

Пенсия қонунчилигини янада такомиллаштириш масаласи доимий диққат-этиборимизда бўлади.

Соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштиришнинг самарали механизмларини амалиётга татбиқ этиш, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини босқичма-босқич ошириш орқали мазкур соҳани янада ривожлантириш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Биз тиббий хизматлар сифатини ошириш, хусусий тиббиёт муассасалари тармоғини ривожлантириш, аҳолининг доридармонларга бўлган этиҳажини қондириш мақсадида ушбу соҳадаги қонунчилик асосларини янада такомиллаштириш ниятидамыз.

Ижтимоий масалаларни фақат давлат ҳокимиятининг самарали сай-ҳаракатлари билан ҳал этиб бўлмайди. Шу боис, бизнес тўғрисидаги ҳам ижтимоий масъулиятни қучайтириш ва бу борада қатор тadbirkorларни амалга ошириш лозим, деб ҳисоблаймиз. Жумладан, мазкур соҳа қонунчилик базасини янада такомиллаштириш даркор.

Учинчи йўналиш сиёсий соҳани ўз ичига олади, зеро, мамлакатимизда мазкур соҳани изчил либераллаштиришнинг давом эттириш устувор вазифа ҳисобланади.

Сиёсий ислохотларни янада жадаллаштириш, демократик қадриятларни мустақамлаш ва ривожлантириш, жамиятда адолат устуворлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш йўлида бор қуч-ғайратимизни сафарбар эта-миз.

Ўзбекистон Республикаси давлат хизматчилари фаолиятини тартибга солувчи алоҳида қонун қабул қилиш, давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини қучайтириш, жамият аъзолари онгига демократик қадриятларни янада мустақамлаш масалалари ҳам биз учун долзарб аҳамиятга эга.

Биз давлат идораларининг очиклик тамойилларига амал қилишнинг таъминлашга алоҳида эътибор қаратамиз. Шу мақсадда, ушбу тамойилларни таъминлашга қаратилган Давлат дастурини ишлаб чиқишни тақлиф қиламиз.

Биз «Давлат божқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини қучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонуннинг ҳаётга тўлиқ татбиқ этилишига эриш-моғимиз лозим. Зеро, ушбу қонун жамиятда сиёсий партияларнинг ролини тубдан оширишга хизмат қилади. (Давоми 2-бетда)

САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ

партия ташкилотларидан фаоллик ва ташкилотчиликни талаб этади

Мустақил тараққиёт йўлидан дадил одимлаётган мамлакатимизда демократик тамойиллар тобора изчил қарор топиб бормоқда. Қўлпартиявийлик тизими ривожланиб, мамлакат сиёсий майдонига фикрлар хилма-хиллиги шаклланаёт-тир. Чунотки, сиёсий партияларнинг эркин фаолият юритиши, ўз электорати, хайрихоҳлари ва тарафдор-лари манфаатини қатъий ҳимоя қилиши учун мустақам ҳуқуқий асос, кенг им-коният яратилди. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси аъзолари буни демократик жамият қурилиш йўлида қўлга киритилган улкан утуқлардан бири, дея баҳолайди.

Айни кунларда мамлакатимизда муҳим сиёсий тadbirkor — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлов кампанияси қизгин давом этмоқда. Бу сиёсий тadbirkorда «Адолат» партияси ҳам ўз номзоди билан

иштирок этмоқда.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг 2007 йил 3 ноябрда бўлиб ўтган IV Курултойида дастурий мақсадлардан келиб чиққан ҳолда, партиянинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиши мақсадга мувофиқ, деб топилиди. Партия олий органи — Курултой Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ўзбекистон «Адолат» СДПдан Дилорам Ташмухамедованинг номзодини кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилди. 2007 йил 9 ноябрь куни эса «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 24-моддасига бйноан партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати томонидан Ўзбекистон Марказий сайлов комиссиясига партиядан қўрилган номзодни рўйхатга олиш тўғрисида ариза, шунингдек, аризага илова қилиниб партия

Курултойининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарори, Курултой баённомаси ва номзодни қўллаб-қувватловчи имзо варақалари топширилди.

Ҳабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг жорий йилининг 16 ноябрь куни бўлиб ўтган мажлисида учта сиёсий партия ҳамда сайловчилар ташаббускор гуруҳидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодларни рўйхатга олиш тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Улар орасида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясида кўрсатилган номзод — Дилорам Ташмухамедова номзоди ҳам бор.

Айни пайтда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси аъзолари ва фаоллари олдида яна бир масъулиятли вазифа турибди. Президент сайловининг сайловолди ташви-

қот ишларини ушқоқлик билан ташкил этиш ҳамда юқори савияда ўтказиш партия ташкилотлари зиммасига катта масъулият оқлайди, партия етакчили-ри ва аъзоларидан ўзига хос фаоллик, жонбозлик ва ташкилотчиликни талаб этади.

Бир сўз билан айтганда, Президент сайлови мамла-катимиз ҳаётида нихоятда муҳим сиёсий тadbirkor бўлиб, унда иштирок этиш ўз сафида қарийб 60 минг аъзони бирлаштирган Ўзбекистон «Адолат» СДП учун ҳам муҳим синов палласидир. Мазкур сайлов биз учун катта маҳорат ва таж-риба, тобланиш ва чиниқиш мактаби бўлиб хизмат қила-ди. Шунинг учун ҳам сай-ловни юксак сиёсий ва таш-килий даражада ўтказиш «Адолат» социал-демократик партиясининг энг му-ҳим вазифасидир.

Ўзбекистон «Адолат» СДП матбуот хизмати

Фракция ййғилиши ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИДА РИВОЖЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ МЕЪЁРЛАРИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг ййғилиши бўлиб ўтди. Фракция раҳбари Дилорам Ташмухамедова бошқарган ййғилишда бир неча қонун лойиҳалари қизгин муҳокама қилинди.

Даставвал «Ўзбекистон

Республикасининг «Реклама тўғрисида»ги Қонун 16-моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси қўриб чиқилди. Ушбу қонун лойиҳаси бўйича Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация те-хнологиялари масалалари қўмитаси аъзоси А.Бойқулов-

нинг маърузаси тингланди.

— Бозор иқтисодиёти шаро-итида рекламанинг аҳамияти ва роли жуда муҳим, — деди юртимизда реклама тарқату-чи оммавий ахборот восита-лари сони 970 тагача ташкил эта-ди. Айни пайтга қадар давлат бюджетни ҳисобидан тўлиқ ёки

қисман молиялаштирилган реклама тарқатувчилари рек-лама учун ажратилган эфир вақти, нашр ёки реклама май-донини умумий йиллик ҳажми-нинг 5 фоизидан кам бўлмаган ҳолда ижтимоий рекламани бе-ғул жойлаштириш мажбури-ятини оларди. (Давоми 2-бетда)



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ДИЛОРАМ ГАФУРДЖАНОВНА ТАШМУХАМЕДОВАНИНГ ДАСТУРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тўртинчи йўналиш хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини оширишдан ibорат.

Мустақиллик йилларида хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган.

Биз аёлларга оид қонунчиликни янада такомиллаштириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ижтимоий муҳофазасини кучайтириш мақсадида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни изчил давом эттиришга ҳаракат қиламиз.

Шу билан бирга, ҳаётимизнинг барча соҳаларида хотин-қизларнинг муносиб ўрин эгаллашига эришиш, уларнинг истеъдодини рўёбга чиқариш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш ҳам олдимизда турган долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Биз оила институтини янада такомиллаштириш, оналик ва болаликнинг бундан бўён ҳам давлат муҳофазасида бўлишини таъминлашга ҳаракат қиламиз.

Давлат ҳокимиятининг барча тармоқларида хотин-қизларнинг том маънодаги тенг ҳуқуқи ва фаол иштирокини таъминлаш ҳам олдимизда турган долзарб вазифадир. Юксак билим ва малакага эга аёлларга

янада кенг имконият яратиш, шубҳасиз, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишга ҳизмат қилади.

Аёллар интеллектуал салоҳияти ва ҳуқуқий маданиятини оширишга эътиборни кучайтириш ҳам биз учун стратегик аҳамиятга эга.

Аёллар, хусусан, тадбиркор аёлларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш мақсадида уларга ажратилаётган микрокредитлар миқдорини янада кўпайтириш биз учун алоҳида аҳамият касб этади. Бу каби молиявий ресурсларни ҳаётга кенг жорий этиш аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ва ёшлар бандлиги муаммосини ҳал этиш ҳамда аҳоли фаровонлигини оширишга ҳизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

Бешинчи йўналиш суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш ўз ичига олади. Суд мустақиллигига тўлиқ эришиш, судларни инсон ҳуқуқларининг чинакам ҳимоячиларига айлантириш учун комплекс тадбирларни амалга ошириш, судларнинг шахс дахлсизлиги билан боғлиқ процессуал таъсир ўтказиши бораидаги миллий қонунчиликни халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларини инобатга олган ҳолда ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эга.

Омбудсман ваколатларини янада кенгайтириш ҳам асосий вазифаларимиздан биридир.

Биз қонун ижросида адолат та-

мойилини таъминлашга астойдил ҳаракат қиламиз.

Олтинчи йўналиш фан, таълим, маънавият ва маданият соҳаларини ўз ичига олади. Биз бу соҳалардаги ислохотларни изчил давом эттириш тарафдоримиз. Хусусан, фундаментал фанлар тараққиётига етарли эътибор қаратиш ва қўллаб-қувватлаш, илим-фан ва таълимга хорижий ва ички инвестицияларни ҳамда янги технологияларни кенг жалб қилиш биз учун ўта муҳимдир.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасининг "Фан ва илмий-техника сиёсати тўғрисида"ги қонунини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш давр талабига айланмоқда. Шунингдек, илмий-техника салоҳияти, маҳаллий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилган "Миллий инновацион тизим"ни яратиш ва амалиётга татбиқ этиш ҳам долзарб вазифаларимиздан ҳисобланади.

Биз халқимизнинг маданияти ва миллий анъаналарини ривожлантириш ҳамда янада кенгроқ тарғиб этиш мақсадида мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Шу билан бирга, жамиятда юксак маънавият ва инсонпарварлик, меҳр-оқибат таъмоилларининг кенг қарор топишига эришиш асосий вазифаларимиз қаторига киради.

Мустақиллик йилларида ёшлар сиёсати доимо давлатимиз диққат-эътибори марказида бўлиб келди. Биз ёшларни мамлакатимизнинг ке-

лажак тараққиётини белгилловчи куч сифатида янада кенгроқ қўллаб-қувватлашга ҳаракат қиламиз. Бу борада биз уларнинг маънавий-ахлоқий баркамоллиги масалаларига катта эътибор қаратамиз.

Еттинчи йўналиш ташки сиёсат масалаларини ўз ичига олади. Биз тинчликсевар, Ўзбекистон манфаатларига мос ташки сиёсатни давом эттириш тарафдоримиз. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувини янада чуқурлаштириш, унинг халқаро ташкилотлардаги иштирокини фаоллаштириш бу борадаги долзарб вазифаларимиздан ҳисобланади.

Мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузини янада юксалтириш, устувор миллий манфаатларимиздан келиб чиққан ҳолда, келгусида ҳам Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан сиёсий, иқтисодий, гуманитар алоқаларини янада мустаҳкамлашга ўз ҳиссамизни қўйишга ҳаракат қиламиз.

МУХТАРАМ ВАТАНДОШЛАР!

Юқорида баён этилган барча йўналишлар доирасидаги саъй-ҳаракатларимиз, энг аввало, мамлакатимизни янада тараққий эттириш, давлатимиз қудратини ошириш, барча янгиланишлар марказига қўйилган инсон манфаатларини кенгроқ таъминлаш жамиятда адолатнинг тўла қарор топишига ҳизмат қилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОДЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳига бунинг учун Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларидан тенг фойдаланиш ҳуқуқи берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов тўғрисидаги Қонуннинг 5, 14 ва 28-моддаларига биноан, Марказий сайлов комиссияси "Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг сайлов кампанияси даврида сайловолди ташвиқотини ўтказишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида"ги Низомни тасдиқлаш тўғрисида 2007 йилнинг 18 сентябрида қарор қабул қилган эди.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "Ўзбекистон" ва "Ёшлар" теле ҳамда радиоканалларида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди дастурлари билан чиқишлари жадвали, шунингдек, "Халқ сўзи", "Народное слово" ва "Правда Востока" республика газеталарида номзодларнинг тархимаи ҳоли ва

сайловолди дастурларини чоп этиш жадвалини тасдиқлади.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказишни ёритиш, сайловолди ташвиқотини амалга оширишга доир тадбирлар белгиланди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар учун уларнинг сайловолди дастурларининг асосий қондаларини етказиш бўйича тенг шартроит яратиш мақсадида ҳар ҳафта радио ва телевидениеда тенг эфир вақти берилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, уларнинг сайловолди дастурлари, сайловчилар билан учрашувлари ҳақида туркум видео ва радиодироллар, теле ҳамда радиодиролларнинг эфирга мунтазам узатиш режалаштирилди. Номзодларнинг илтимосларига биноан, уларга тенг шартроитда исталган ҳажмда қўшимча бепул эфир вақти берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ўз номзодини қўрсатган ҳар бир сиёсий партия ўз матбуот органига эга эканлиги ҳисобга олинган ҳолда сайловчилар ташаббускор гуруҳи учун ҳам тенг имконият яратиш мақсадида сайловолди ташвиқоти учун муассиси нодавлат

нотижорат ташкилотлар ҳисобланган "Жамият" газетасидан фойдаланиш ҳуқуқи берилди.

Брифингда оммавий ахборот воситаларида сайловолди ташвиқотини амалга ошириш учун тенг шартроитлар таъминли партия нашрлари ва "Жамият" газетасига жорий этилмаслиги қайд қилинди. Улар ўзлари зарур деб ҳисоблаган ҳажмдаги тегишли материални чоп этиш ҳуқуқига эгадир.

Брифинг иштирокчиларига, шунингдек, 2000 ва 2004 йиллардаги сайловларни ўтказиш тажрибаси ҳамда ташкил этилган сайлов унсатқалари сонини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар тархимаи ҳоли ва сайловолди дастурлари акс этган тегишли плакат ва рисоаларнинг ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилларида чоп этилиши ҳақида маълумот берилди.

Брифингда таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти билан боғлиқ барча сарф-ҳаражатлар "Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддасига асосан давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. (ЎА)



Сафдошлар ибрати

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

20–22 ноябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Кенгаши томонидан тақлиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси аъзоси Ф.Қомиллов "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини кўриб чиқиш учун тақдим этди. Савол-жавоблар ҳамда ҳужжатнинг ҳар бир моддаси батафсил муҳокама қилинганидан кейин Қонун қабул қилинди.

"Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси аъзоси Ф.Ражабов тақдим этди. Моддама-модда муҳокама чоғида депутатлар томонидан билдирилган бир қатор тақлифларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилди ва уни учинчи ўқишда кўриб чиқиш учун маромига етказишни масъул кўмитага топширди.

Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси аъзоси М.Абдуллаева "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Қонун лойиҳасининг моддама-модда муҳокамаси чоғида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар бола ҳуқуқлари ҳимоясининг ҳуқуқий базасини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш муҳим эканлигини таъкидладилар. Билдирилган тақлифлар ва фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси "Номоддий маданий меросини муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро конвенцияни (Париж, 2003 йил 17 октябрь) ратификация қилиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини ҳам кўриб чиқди. Қонунчилик палатаси муҳокама чоғида киритилган тақлифларни ҳисобга олган ҳолда Қонунни қабул қилди.

"Ўзбекистон Республикаси билан Туркманистон ўртасида дўстона муносабатларни ва ҳар томонлама ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш тўғрисида Шартно-

мани (Ашхобод, 2007 йил 18 октябрь) ратификация қилиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар кўмитаси аъзоси У.Жалмонов тақдим этди. Батафсил муҳокамадан кейин Қонун қабул қилинди.

"Реклама тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси аъзоси А.Бойқулов тақдим этди. Ҳужжатнинг муҳокамаси чоғида киритилган тақлифларни ҳисобга олган ҳолда депутатлар қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуладилар ва уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси аъзоси Ф.Солиев "Почта алоқаси тўғрисида"ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Депутатлар мазкур ҳужжатни муҳокама қилиб, қонун лойиҳасининг асосий қондаларини маъқуладилар ва уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Депутатлар Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитаси раиси А.Ахадовнинг маърузасини тинглаб, Ўзбекистон Республикасининг янги Солиқ кодекси лойиҳасини кўриб чиқишга киришдилар. Муҳокама чоғида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари иштирок этиб, мамлакатнинг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш муҳим эканлигини таъкидладилар. Депутатлар қонун лойиҳасида қўлланилаётган асосий тушунчалар, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тақлиф этилаётган тизими, солиқ соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг тартибга солуви нормалар, солиқ мажбуриятларининг бажарилиши, шунингдек солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик, бир қатор бошқа қондалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирдилар. Қонунчилик палатаси "Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилиб, Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитасига қабул қилинган тузатишларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳасини маромига етказиш ва учинчи ўқишда муҳокамага киритишни топширди.

Қонунчилик палатасининг мажлиси 2007 йил 23 ноябрь куни давом эттирилади. (ЎА)

ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИДА РИВОЖЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ МЕЪЁРЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Янги қонун лойиҳасида нафақат юқорида қайд этилган реклама тарқатувчилар, балки фаолияти қандай молиявий таъминлашидан қатъи назар, барча реклама тарқатувчиларга реклама майдонларидан фойдаланиш белгилаб қўйилмоқда.

Қонун лойиҳаси юзасидан депутатлар томонидан қатор тақлиф-мулоҳазалар билдирилди. Шундан сўнг қонун лойиҳаси биринчи ўқишда маъқулланди.

Фракция ййғилишида, шунингдек, "Почта алоқаси тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда куърерлик хизмати, почта узатмалари ва бошқа ушбу йўналишдаги хизмат турлари тезкорлик билан ривожланиб бормоқда. Бу хизматларнинг ҳуқуқий асосларини яратиш эса долзарб масалалардан биридир. Шу сабабли янги қонун лойиҳасида почта алоқаси почта хизмати ва куърерлик хизмати бўлиниди. Ййғилишда депутатлар қонун лойиҳасининг аҳамиятини алоҳида эътироф этган ҳолда, уни маъқуладилар.

Фракция ййғилишида, шунингдек, "Номоддий маданий меросини муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро конвенцияни (Париж 2003



йил 17 октябрь) ратификация қилиш ҳақида"ги, 2007 йил 18 октябрда Ашхобода қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси билан Туркманистон ўртасида дўстона муносабатларни ва ҳар томонлама ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш тўғрисида"ги шартномани ратификация қилиш ҳақида"ги қонун лойиҳалари ҳам биринчи ўқишда маъқулланди. Таъкидландики, ушбу қонун лойиҳалари халқимизнинг бой маданий меросини асраб-авайлаш мақсадида амалга оширилаётган кенг қўламли ишларни, шу билан бирга, давлатлараро дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини сифат жиҳат-

дан янги босқичга кўтаришга ҳизмат қилади.

"Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 29-моддасига ўзгартириш киритиш ҳақида"ги ҳамда "Аҳолини Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган давлатлар ҳудудиди ишлаб чиқарилаётган дори-дармон воситалари, вакцина ва бошқа иммунобиологик дорилар, тиббий буюмлар ва тиббий техника билан таъминлаш тўғрисида"ги Битимни денонсация қилиш ҳақида"ги қонун лойиҳалари ҳам биринчи ўқишда маъқулланди.

Ўқтам ХУДОЙҚУЛОВ,

"Адолат" мухбири

ХАЛҚАРО МЕЗОНЛАРГА МОС

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистонда сиёсий партиялар ролининг фаоллашуви ва фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин, ошқора ва тўғридан-тўғри ифодалашини учун мустақам ҳуқуқий замин яратилган. Чунончи, Конституциямизнинг 117-моддаси Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов тизимига бағишланган.

1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов тўғрисида"ги қонун эса сайлов қонунчилигининг муҳим ҳужжатларидан саналади. Сўнгги йилларда мазкур қонунга бир қанча ўзгартриш ва қўшимчалар киритилди. 1994 йил 5 майда Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, 1998 йил 30 апрелда "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди.

Ўзбекистоннинг сайлов қонунчилиги принциплари Конституцияга асосланади. Конституциямизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг, шу жумладан, фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлар билан таъминлашнинг барча кафолатлари мустаҳкамлаб қўйилган. Бу кафолатлар сирасига сайлов тизими барча вазифа ва механизмларининг қонунлиги, сайлов тизими демократизми, фуқаролар сиёсий партиялар тенг ҳуқуқлиги, сайлов тизимининг халқчилиги, яъни ҳар

бир фуқаро учун унинг мазмуни тушунарлилиги, сайловларнинг ташкилий механизми мавжудлиги, конституциявийлиги ва суд назорати остида эканлиги, овоз бериш ва сайлаш натижаларининг тўлиқ ошқоралиги кабилар киради.

"Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентини етти йил муддатга сайланади. Республикамиз учун президентлик муддатининг етти йил эти белгиланиши мустақил Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятдаги иқтисодий, сиёсий жараёнларда тенг ҳуқуқли субъект сифатида фаол иштирокида муҳим аҳамият касб этади. Чунончи, Австрияда 1920 йил 10 ноябрда қабул қилинган Федерал Конституция қонунининг 3-боби 1-қисмининг 60-моддасига биноан, Федерал Президент халқ томонидан олти йил муддатга сайланади. Италия Республикасида эса Президент парламентнинг ҳар икки палатаси қўша мажлисида вилоятлар вакиллари иштирокида етти йилга сайланади. Шунингдек, Францияда Президент икки турда ўтказиладиган умумхалқ сайловида тўғридан-тўғри овоз бериш орқали сайланади. Унинг ваколат муддати ҳам етти йил.

Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида эркин сайловларга тааллуқли бир қанча халқаро ҳужжатларга

қўшилган. Жумладан, 1948 йил 10 декабрда БМТ томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясига. Мазкур декларациянинг 21-моддасида: "Ҳар бир инсон бевосита ёки эркин сайланган вакиллар воситаси орқали ўз мамлакатини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқига эга. Ҳар бир инсон ўз мамлакатда давлат хизматига киришда тенг ҳуқуққа эга", дейилган.

1966 йил 19 декабрда БМТ томонидан қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро Пакта Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори билан 1995 йил 31 августда қўшилган. Ушбу Пакт 1-қисми 1-моддасида: "Барча халқлар ўз тақдирини ўзи белгиллаш ҳуқуқига эгадир. Ушбу асосда улар ўз сиёсий макомини эркин белгиллаш ва иқтисодий-ижтимоий, маданий ривожланишини эркин таъминлашнинг", 2-моддасида эса, "Ушбу Пактда иштирок этувчи ҳар бир давлат ўз ҳудудиди ва ўз юрисдикциясида бўлган шахсларнинг мазкур Пактда эътироф этилган ҳуқуқларини ҳеч бир айирмачилик, расм, тил, дин, тан, сиёсий ёки бошқа эътиқодидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ аҳоли, туғилиш ёки ўзга ҳолатидан қатъий назар ҳурмат қилиш ва таъминлаш мажбуриятини олади" деб эътироф этилган. Пактнинг 25-моддасида: "Ҳар бир фуқаро 2-

моддада эслатиб ўтилган ҳеч бир камситилишларсиз ва асосланмаган чеклашларсиз қуйидаги ҳуқуқ ҳамда имкониятларга эга бўлиши керак:

а) ҳам бевосита, ҳам эркин сайланган вакиллар орқали давлат ишларини бошқаришда қатнашиш;

б) ялпи ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида, яширин овоз бериш орқали ўтказиладиган ва сайловчиларнинг эркин хоҳиш-иродасини таъминловчи чинакам даврий сайловда овоз бериш ва сайланиш;

в) ўз мамлакатда умумий шартларда давлат хизматига киришда тенгликка йўл қўйиш".

Юқорида кўрсатилганлардан ташқари, Ўзбекистон Республикаси сайловлар бўйича 1991 йил 19 июлда Женевада қабул қилинган эркин сайлов бўйича бюро, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши ҳужжатлари билан қўшилган.

Хуллас, мамлакатимизда сайлов қонунчилиги принциплари Конституцияга асосланади ва унда дунё таърибаси ҳамда миллий давлатчилик анъаналари инобатга олинади. Бугунги кунда Ўзбекистонда сайлов қонунчилиги фуқаролар ҳуқуқларини янада кенгайтириш йўлидан ривожланиб бормоқда.

Н.ҒОҒУРОВА,

Тошкент Давлат юридик институтини ўқитувчиси

"АДОЛАТ" СДП: ТАШАББУС ВА ТАДБИРЛАР

Юнусобод туман партия Кенгаши ташаббуси билан пойтахтимиздаги 288-мактабда «Юртимиз ёшларининг Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловидаги иштироки» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда қатнашган партия фаоллари фуқароларни қизқитириш саволларга жавоб беришди.

Утгена туманида «Оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш – давлат сиёсатининг устувор йўналиши» мавзусида тадбир ўтказилди.

Урганч туман партия Кенгаши туман Халқ таълими бўлимида «Сайлов – демократия кўзгуси» мавзусида давра суҳбати ўтказди. Қизгин баҳс-мунозараларга бой бўлган тадбирда сайловчиларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, кафолатлари ҳамда сайлов жараёнларида ОАВларнинг тугган ўрни ҳақида сўз борди.

Хонқа туман Кенгаши ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ходимлари ҳамкорлигида «Президент сайловида «Адолат» СДПнинг иштироки» деб номланган тадбир ташкил этилди. Унда Ўзбекистон сайлов тизимида умумийлик, тўғридан-тўғри ва яширин овоз бериш, эркинлик, очиклик ҳамда ошқоралик каби принциплар устувор эканлиги алоҳида қайд этиб ўтилди.

МАВСУМ МУАММОСИЗ ЎТАДИ

Давлатимиз раҳбари Исом Каримовнинг шу йил 2 майда қабул қилинган "Республика иқтисодиёти тармоқларини 2007-2008 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан Сирдарё вилоятида ҳам муайян ишлар амалга оширилди.

Вилоятда аҳолига «Узтрансгаз» акционерлик компаниясига қарашли 14 газ тақсимлаш станцияси орқали табиий газ етказиб берилади. Мавсумга тайёргарлик давомида газ тармоқлари ва тақсимлаш қурилмаларининг техник ҳолатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилди. 18,6 километр масофага янги қувурлар ётқизибли, 34,2 километрлик газ тармоқлари қайта таъмирланди.

Ушбу тадбирлар натижа-сида 5 минг 200 хонадонда иссиқлик таъминоти янада яхшиланди, - дейди Сирдарё вилоят, шаҳар ва туман газ филиаллари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқарма-си бошлиғи Шавкат Худой-ров. - Қишки мавсумни самар-али ўтказиш мақсадида бо-шқармаимизда доимий дис-петчер пункти ташкил этил-ган. Газ таъминотида узиллиш рўй берса, истеъмолчилар қаерга ва кимга мурожаат қилишни яхши билади.

(ЎЗА)

МИЛЛИЙ ҒОЯ:

ТАРҒИБОТ МАСЪУЛИЯТИ

Президентимизнинг 2006 йил 25 августдаги "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги қаро-рини маънавият тарғиботчилари мамнуният билан қутиб олишди. Мазкур қарорда белгилаб берилган амалга оширилиши лозим бўлган ҳар бир чора-тадбир жамиятда маънавият-маърифатнинг нуфузини кўта-рибгина қолмай, унинг салоҳиятини янада ошириб, имкониятини кенгайтириши.

Ишонч билан айтиш мумкинки, ушбу қарор халқ, ватан ва жамият манфаатлари йўлида қабул қилин-ган мамлакат миқёсидаги муҳим ҳужжатдир. Шу боис, республика, вилоят, туман маънавият ва маъри-фат Кенгашлирининг ҳар бир йиғи-лишида қарор ижросини таъмин-лаш борасида муайян тадбирлар, режалар белгиланиб ҳаётга тадбиқ этилмоқда.

Бу ҳужжат тамоман янги, аниқ режа асосида ишлаш талабини кўйди. Умумий гаплар, шунчаки дав-ват ва баландпарвоз гаплар даври ўтди. Зеро, биз ахборот асрида яшаймиз. Тарғиботчи шунини унут-маслиги керакки, бугун тингловчи содда эмас, у бошқа информация манбаларидан маълумотлар олиш, таҳлил этиш, ҳаётни бевосита куза-тиш учун кенг имкониятларга эга. Демак, бугун ғоявий-маърифатий тарғибот ишида чуқур таҳлил сло-ҳияти, энг муҳими, катта ахборот базасига эга бўлиш ва фикр-муло-ҳазаларни таъсирчан, содда, ишо-нарли тарзда фуқаролар онги ва қалбига етказиш масъулияти талаб этилади.

Қарорда миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самара-дорлигини ошириш учун бу тизимга жиддий янгиликлар киритилди. Би-ринчидан, Республика Маънавият ва маърифат кенгашига раислик қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вази-ри зиммасига юклатилди. Ўн бир ки-шидан иборат Кенгаш Бошқаруви ташкил этилди. Иккинчидан, Қора-қалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тош-кент шаҳар ҳокимларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси лавозими жорий этилди. Республи-камизнинг барча минтақа ва худуд-ларида биринчи раҳбар минтақавий-худудий Маънавият ва маърифат ке-нгашининг раиси саналадиган бўлди. Ёрдамчилар амалда минтақавий маъ-навият ва маърифат кенгаши раиси-нинг ўринбосари ҳисобланади ҳамда жойлардаги маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ҳамда муво-фиқлаштиришда Жўқорғи Кенгес Раиси ва ҳокимларга бевосита ёрдам беради.

Қарорда кўзда тутилган учинчи янгилик шуки, Республика Маънави-ят ва маърифат кенгашининг ташки-

лий гуруҳи – ижроия идораси ҳисоб-ланмиш "Маънавият ва маърифат" маркази Республика Маънавият тар-ғибот марказига айлантирилди. Унинг таркибий тузилишида ҳам муайян ўзгаришлар қилинди. Қўшимча тар-зда тарғиботчилар фаолиятини муво-фиқлаштирувчи ва малакасини оши-рувчи бўлим очилди.

Тўртинчидан, Республика Маъ-навият ва маърифат кенгаши ҳузу-рида шу пайтгача грантлар асоси-да фаолият олиб борган Миллий мафкура илмий-тарғибот маркази давлат бюджетидан молиялашти-риладиган Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказига айланти-рилди.

Шу тариқа, республика Маънави-ят ва маърифат кенгаши амалда икки қанотга эга бўлди. Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ил-мий-назарий, услубий-методик тав-сиялар, дастурлар, ишланмалар, ри-солалар, қўлланмалар ва бошқа наш-рий босма махсулотлар ишлаб чи-қади, миллий ғоя ва мафкура тарғи-боти бўйича мониторинг олиб бора-ди. Республика Маънавият тарғибот маркази ва унинг вилоят, шаҳар ва туман бўлимлари бевосита амалий тарғибот ишлари билан шугуллана-ди. Кўриниб турибдики, қарорда ва-зифалар аниқ тарзда белгиллаб бе-рилган, уларнинг ижроси учун ишчи юксак даражада ташкил этиш керак.

Пешку туман маънавият тарғи-бот бўлими мазкур қарор ижроси

Қарор ва ижро

Ҳориж Аббарлари

КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛАНАДИ

18 ноябрь кунини Украинанинг Донецк қонида юз берган қўриқ-портлаш оқибатида 38 нафар қончи ҳалок бўлган эди.

Кеча ҳукумат томонидан ҳалок бўлганларнинг оила аъзоларига 60 минг доллар-дан компенсация берилиши маълум қилинди.

Эслатиб ўтамиз, ҳодиса рўй берган вақтда қонда бўлган 457 ишчидан 357 на-фари юқорига чиқишга му-ваффақ бўлган. Айни пайтда яна икки нафар қончининг



аҳоли оғирлиги маълум қилинмоқда.

БИР ЙИЛДА – 76 МИЛЛИОН САЙЁҲ

"Forbes Travel" журнали мутахассислари сайёҳлар энг кўп ташриф буюрадиган дунёнинг 50 та диққатга сазовор жойларини эълон қилди.



сайёҳни қабул қилади. Рўйхатга, шунингдек, «Disneyland» боғи, «Трафалгар» майдони, Ниа-гара шаршараси, Эйфел ми-нораси каби машҳур жойлар киритилган.

Бутунжаҳон сайёҳлик таш-килоти маълумотларига қўра, йил давомида Фран-цияга келувчилар сони бо-шқа давлатларга нисбатан анча юқори – 76 миллион. Рўйхатда Испания (55 мил-лион), АКШ (50 миллион), Нъю-Йорк шаҳри фаҳрига айланган ушбу майдон бир йилда қарийб 35 миллион

Унга кўра, 1-ўринни «Таумс-Скевер» эгаллади. Нъю-Йорк шаҳри фаҳрига айланган ушбу майдон бир йилда қарийб 35 миллион

ЭНГ КАТТА ҲАЙКАЛ

2008 йилда Мўғулистонда Чингизхонга атаб ёдгорлик ўрна-тилади. Мазкур объект қурилиш ишлари 2008 йилда яку-нланиши кўзда тутилмоқда.



«Ардини Эрх» нашининг ёзишича, ёдгорлик Улан-Ба-тор шаҳридан 53 километр узоқликда бунёд этилади. Ҳайкал 40 метр чамаси ба-ландликда бўлиб, бу 10 қаватли уй билан баробар дегандир. Чингизхон хоти-ра комплекси дунёдаги энг катта ёдгорликлардан бири бўлиши кўтилмоқда. Ҳайкал атрофида хотира майдони қуриш режалаштирилган.

НИКОҲДАМИ Ё МОТАМДА?

Қўшиқ инсон руҳиятини тозалаб, маънавий озққа бериш баробарида баъзида ғайриоддий мақсадлар йўлида ҳам хиз-мат қиларкан.




йиб ўхшашликни қарангки, айни шу қўшиқ Буюк Брита-ниядаги дафн маросимлари-да ҳам энг оммабоп қўшиққа айланиб бормоқда.

Бу ҳолат иккала томонда ҳам қизгин муҳокама этил-моқда. Қизиги шундаки, бу хониш ҳам никоҳ, ҳам мо-там маросимларига мос ту-шади. Қолаверса, бу каби тадбирларда қўшиқ танлаб ижро этиш одамларнинг ўз инон-ихтиёрларига боғлиқ, («Сени то абдад севаман») қўшиғи ҳисобланади. Фаро-

Ҳозирги пайтда Америка никоҳ базмларида энг маш-ҳур қўшиқ Уитни Хьюстон-нинг «I will always love you» («Сени то абдад севаман») қўшиғи ҳисобланади. Фаро-

ГИННЕСНИНГ РЕКОРДЛАР КИТОБИГА КИРИТИЛДИ

Сиз суратда кўриб турган бетакорр маржон ороли Чили-нинг Сан-Альфонсо-дель Мар курортида бунёд этилди.



Уни денгиздан қумли пляж ажратиб туради. Узунлиги 1 километр ва майдони 8 гектардан иборат дунёдаги энг катта бассейн-лагуна Гиннеснинг рекордлар китобида киритилди. Эндиликда бу ерга кел-ган сайёҳлар дастлаб шўр, кейин чучук сув-ларда мириқиб чўмилишла-ри мумкин. Бу соғлиқ учун анча фойдали эканлиги би-лан аҳамиятлидир.

ФАНГА НОМАЪЛУМ ХАСТАЛИКЛАР

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг йиллик маърузаси-да ёзилишича, сўнгги ўттиз йилда дунё миқёсида 39 та янги касалликлар аниқланган. Ташвишланарли жиҳати, улар орасида фанга номаълум бўлган хасталиклар ҳам бор.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мутахассислари таъкидлашга глобал эпиде-мия таҳдид солаётгани ҳамда инсон учун хавфли вируслар йилдан-йилга кўпаяётганини таъкидлаш-моқда. Аниқланишича, ка-

салликларнинг тез тарқали-ши жойларда 42 соат вақти-ни ўтказадиган японияликлар-га насиб этди. Текширувларга кўра, «энг дангас» халқ Австралия иш билан машғул бўлишда – ҳафта-си 46 соат. Иккинчи ўрин жапоний корейликларга тегишли. Учинчи поғона эса

ҲАФТАСИГА 46 СОАТ

Сингапурлик Осеининг энг меҳнаткаш халқи деб топилди. Халқро меҳнат ташкилоти мутахассислари томонидан ўтказилган сўровномага кўра, айнан Сингапур фуқаролари бошқаларга нисбатан кўпроқ иш билан машғул бўлишда – ҳафта-си 46 соат. Иккинчи ўрин жапоний корейликларга тегишли. Учинчи поғона эса

Интернет хабарлари асосида Х.САМАДОВ тайёрлади.

МЕҲР КЎРГАЗ, МЕҲР ТОП

Бу даргоҳдан ҳеч ким ноумид кетмайди. Ҳаётнинг аччиқ синовларини энг би ўтишда матонат, сабр-тоқат ва кул-рашчанлик хислатларини тарбиялаб, келажакка умид билан қарашга ўратаётган «Сабр» нодавлат ташкило-тининг савобли ишлари кўп. Инсон тақдирига нисбатан жонкуярлик, чигал вазиятлардан ҳалос бўлишда ҳамфик-рлик, ҳамкорлик туфайли унинг обрў-эътибори баланд. Бугун уни нафақат Марказий Осиёда, балки узоқ-яқин хорижий мамлакатларда ҳам яхши билишади.

Ўн бир йил муқаддам Са-марқанд шаҳрида ташкил этилган «Сабр» ижтимоий-иқтисодий ривожланиш маркази демократия ва фу-қаролик жамиятини юксал-тиришдаги хизматлари учун халқро муқофотлар лауреа-ти бўлди. Нидерландия-нинг халқро тараққиёт таш-килотининг махсус гранти-ни кўлга киритди.

Ўн бир йил мобайнида «Сабр» нодавлат ташкило-тига 23 мингдан ортиқ киши «Ишонч» телефонлари ор-қали ёки тўғридан-тўғри му-рожаат қилди. Ва, албатта ушбу мурожаатлар доираси-да руҳий, психологик, ҳуқуқий ҳамда тиббий ма-салаларда зарур ёрдамни олишди. «Сабр»нинг асосий мақсади Самарқанд вилоят-ида аҳолининг моддий жи-ҳатдан кам таъминланган ва муҳтож қатламларига икти-моий-иқтисодий кўмак бе-ришнинг экспериментал мо-делини яратишдир. Айтиш мумкинки, бу вазифа му-ваффақиятли тарзда ҳал этилмоқда. Фаолиятининг илк даврида консултиватив ёрдам билан қиёяланган марказ бугун қишлоқ худуд-ларида микромолиялаш дастурини изчил амалга оширмоқда. Ойналларнинг доволанишлари, уй шaroит-ларини яхшилашлари ва тадбиркорлик билан шугул-ланиб даромад топишлари учун умумий баҳоиси 1 мил-лиард 738 миллион 714 минг сўмлик микроқарзлар берилди. Шунинг натижаси-да ўтган вақт мобайнида 4

мингга яқин янги иш ўрин-лари яратилди. Юзлаб оила-лар қасаначилик, ҳунарман-дчилик билан шугулланиш учун зарур хомашё ва ас-боб-ускуналар сотиб олди.

Янги жамиятда яшаётган одамларга ўз тафаккурини ўзгартириш, ўзлигини англ-лаш, оила аъзоларига, фар-зандларига нисбатан шакл-ланган номақбул муносабат-лардан қутулишда ёрдам бе-риш марказнинг бирламчи вазифаларидан ҳисоблана-ди. «Сабр» мутахассислари-нинг фикрича, оиладаги ни-золарни камайтириш, аёллар ва болалар ҳуқуқлари бузи-лишининг олдини олиш бит-та оиладаги муҳитнигина эмас, балки бутун бир жа-мийадаги муносабатларни соғломлаштиришга олиб ке-лади. Меҳр-оқибат, бир-би-рини қўллаб-қувватлаш ту-шунчалари фуқаролар учун ҳаёт мезонига айланади.

«Хейвен Вулвер хемптон» халқро нодавлат ташкило-ти вакили Кэт Риз хоним-нинг фикрича, оилавий ни-золарни ҳал этиш жаҳон ми-қёсидаги муаммодир. «Сабр» маркази эса айни шу йўналишда самарали фао-лият юритаётгани унинг ис-тиқболидан, халқро май-дондаги обрўйидан далолат беради.

Мана бу эътирофлар эса марказ билан дўстона ало-қалар ўрнатиб, қийин дам-ларда унинг мададини ҳис-этан кишиларнинг самимий фикр-хулосаларидир.

– Оиламиз тўрт кишидан иборат, – дейди ургутлик

Боликул Саидов. – Рўзгор-ни юриштиш учун қизим би-лан биргаликда ҳунарман-дчилик қиламиз, тўн тикамиз. Аммо хотиним оғир бемор-лиги туфайли дори-дармон-ларга пулимиз етмай қолди. Шундай дамда «Сабр»га му-рожаат қилиб микроқарз ол-дим. Уч ой мобайнида ишимни ўнглаб анча даро-мад топдим ва шу ҳисобдан хотинимни операция қил-дирдим. Ҳозир оиламизга хотиржамлик қайтган. «Са-бр»дан бениҳоя миннатдор-ман.

– Оиламиз кам таъмин-ланган, – дейди Рухия Тур-диева. – Шундай шароитда мен «Сабр»дан микроқарз олиб новвойлик билан шу-гулландим. Ҳозир моддий аҳолимиз яхши.

Бу рўйхатни яна давом эт-тириш мумкин. Муҳими, марказ ўзининг савобли иш-лари билан жамиятда қадр топаётти. Ана шундай оли-жаноб ташкилотнинг ҳам-корлари эса бисёр. Жумла-дан, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партия-си Самарқанд вилоят Ке-нгаши ушбу нодавлат ташки-лот билан кўпгина муҳим ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириб келаётгани ибратлидир. Хусусан, партия билан ҳамкорлик ту-файли Оқдарё туманининг Олтинтепа қишлоғида, Тай-лоқ туманининг Бағизогон қўрғонига хотин-қизлар учун қўллаб-қувватлаш иш-лари яратилди.

«Сабр»нинг қароргоҳи-дан юзда табассум билан чиқиб кетаётганларни кўрсам, барча чарчоларим унутилади, – дейди марказ директори ўринбосари Елена Бакирова. – Демак-ки, ҳаётда одамларга ке-раклигини англаб яшаш-дан ортиқ бахт йўқ.

Зоҳир ТўРАКУЛОВ,

«Адолат» мухбири

Қилмиш-қидирмиш

КЕЙИНГИ ПУШАЙМОН...

Ватани бежизга онага қийлашмайди. Зотан, она туғилган тоғга улаб ала айтиб тарбиялаган фар-зандлар келажакда Ватан қорига ярайдиган фидойи ин-сон бўлиб вояга етади. Қолаверса, оиласининг ор-ному-сини, шайини ҳимоя қилади. Бироқ беқийс таъриф қийсларга муносиб аёлларимиз орасида нафақат фар-зандлари, балки ён-атрофдагиларининг тинч турмуш-и-га раҳна солидиганлар ҳам учраб туриши ачинарли ҳол.

Тошкент шаҳрида яшов-чи Қутбинисоҳон (исм-ша-рифлар ўзгартрилди) дастлаб Алишер исмли йи-гитга турмушга чиқди. Тур-мушлари бинийдек, 4 на-фар фарзандли бўлишган-ди. Аммо...

Одамнинг олasi ичида, деган гап бекорга айтил-маган экан. Ўйлидан озган Қутбинисоҳон таниш-би-лишлари, қўни-қўшилари

ўртасида ҳар хил куракда турмайдиган баҳоналарни рўқач қилиб, норасмий экстремистик ташкилоти-нинг фарзали қарашларини тарғиб қила бошлади.

Бу орада турмуш ўртоғи Алишер ўзининг жиний хат-ти-ҳаракатлари оқибатида озодликдан маҳрум қилин-ди. Бундан тўғри хулоса чи-кармаган 30 ёшли Қутбини-соҳон экстремистик ташки-

лотнинг ғояларини тарғиб қилишдан тўхтамади. Унинг жиний хатти-ҳаракатлари ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан олиб борилган тезкор-қидирув ҳаракатлари давомида ўз исботини то-пди. Жабрланувчи тергов ва суд жараёнида жиний хатти-ҳаракатларини бўйнига олиб, қаттиқ пушаймон эканини айтиди ва енгиллик сўраб ёзма равишда ариза берди.

Кечиримлилик — халқи-мизга хос фазилат. Бу амалдаги қўнунларимизда ҳам ўз аксини топган. Қолаверса, бу ҳуқуқий де-мократик давлатимизнинг инсонпарварлик сийбати-нинг амалдаги ифодаси-дир. Қутбинисоҳон Жўрақуло-

ванинг аёллиги, 4 нафар вояга етмаган фарзанди борлиги инобатга олиниб, қилган жиноятига нисбатан оқил суд томонидан анча енгил жазо тайинланди.

Қиссадан ҳисса шуки, қимларнингдир фарзали ни-ятларига учиб, жиний хат-ти-ҳаракатлар содир этиб халқимиз тинч-товуғлига раҳна солмоқчи бўлганлар қаттиқ адашди. Зеро, ҳуқуқ-тартибот органлари-нинг ўз вазифасига сиқиди-лдан ёндашадиган хо-димлари бор экан, бирон-бир жиноят жазосиз қо-лмайди.

Ф. ПЎЛАТОВ,
Тошкент шаҳар
Учтепа туман прокурори
ёрдамчиси

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ БОЛАЛИКДАН ШАКЛЛАНАДИ

Жиззах вилояти Дўстлик туманидаги 7-умум-таълим мактабида «Конституция - ҳаётимиз қомуни» мавзuida учрашув бўлиб ўтди. Унда ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари иштирок этди.

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Кон-ституцияси қабул қилинган кунга бағишлаб ўқув-чиларнинг ҳуқуқий билимини мустаҳкамлаш, уларни Асосий қонунимиз мазмун-моҳияти ва аҳамияти билан батафсил таништириш мақса-дида ташкил этилган бу каби учрашувлар ту-мандаги бошқа мактабларда ҳам ўтказилди.

Дўстлик туман халқ таълими бўлими маълумотларига кўра, ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш ойлғи давомида бундай тадбирлар-ни таълим-тарбия муассасаларининг барчаси-да уюштириш режалаштирилган.

(ЎЗА)



Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги 4-оилавий поликлиника ҳудуддаги 6 та маҳалла аҳолиси ҳамда 3 та мактаб ўқувчилари ва 8 та мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиларига тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда.

Замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган поликлиниканинг 151 нафар қўли енгил шифокорлари ва ҳамширалари аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишда кўпчиликка ибрат бўлмоқда. Масалан, поликлиника жамоаси ҳудуддаги ногиронлар, яқка-ёлғиз кексалар, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказиб, зарур дори-дармонлар билан бепул таъминлади.



Н.ҲАЙДАРОВ
олган суратлар

Спорт

МАТОНАТ ВА МАҲОРАТ ТАНТАНАСИ

Ўзбекистон терма жамоаси ногиронлар ўртасида футбол бўйича VIII жаҳон чемпионати голиблигини кўлга киритди!

Туркиянинг Анталия шаҳрида 11-21 ноябрь кунлари ногиронлар ўртасида футбол бўйича VIII жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Унда иштирок этган Ўзбекистон терма жамоаси футболчилари маҳорат ва матонат бобида рақибларини доғда қолдириб, голибликни кўлга киритди.

Нуфузли мусобақада энг кучли 12 та миллий терма жамоа қатнашди. Гуруҳ баҳслари ҳамда чорак финал учрашувларини кўтаринки руҳда ўтказган футболчиларимиз ярим финал баҳсида мезбонларни мағлуб этишга муваффақ бўлишди.

Ҳал қилувчи сўнгги босқичда эса ҳамюртларимиз россиялик футболчиларга қарши тўп сурди. Анвар Исмоилов бош мураббийлик қилаётган терма жамоамиз аъзолари финалда янада ҳамжихатлик ва ушқоқлик билан ҳаракат қилишди. Натижада футболчиларимиз рақибларини 2:1 ҳисобида доғда қолдириб, жаҳон чемпионати деган унвонга сазовор бўлишди.

Жамоамиз галабаси шарафига Туркия марвариди ҳисобланмиш Анталияда Ватанимиз мадҳисини янграб, байроғимиз кўтарилди.

МУРОСАИЗ МУСОБАҚА

Қиличбозлик бўйича Ўзбекистон кубоги баҳслари ўз якунига етди. Мусобақаларда ўзбекистонлик қиличбозлар билан бирга, Қозғистон ва Қирғизистондан келган спортчилар ҳам голиблик учун кураш олиб боришди.

Баҳсларда иштирокчилар голиблик учун астойдил ҳаракат қилишди. Кубок мусобақалари якунида умумжамоа ҳисобида Андижон вилояти биринчи ўринни эгаллаган бўлса, пойтахтлик қиличбозлар иккинчи ўрин билан қиёқланди.

Дилшоз АҚБАРОВА

Таассуротларга бой бўлган

— Кичкина... Кичкинагина бир бошлиқча сайлаймиз-да. Бизга бўлаверди.

— Кимни?

— Мана, сизни, масалан, — дейишди ака-укалар.

Биринчининг мўйи тикка бўлиб, сапчиб ўтди.

— Мени?... Сени ким тайинлади, деса... Йўқ, тарбия кўрган одамимиз, ўзбошимчилик бўлади. Аввало, юқоридан менга ишонч билдирилиши... — у бир томонлама телефонга мунғайиб қараб қўйди.

— Йўқ, биродарлар, — деди Иккинчи, — сайлови нимаси. Ҳар ким ўзига бошлиқ сайлаб олаверса... Топшириқнинг ҳар бир сўзини диққат билан эшитдинглар: «Эҳтиёт билан» деган жойи бор. Бу донолик билан айтилган. Эҳтиёт бўлинемас, мустақилликнинг мана шундай хавфли томонлари бор.

— Жуда мушкул нарса экан-да... — деди Бешинчи кетмонини суяб ўтираркан. Кейин у бўҳчасидан нон, майиз, талқон олиб, қийқчасини ерга ёзди. Буни кўриб бошқалар ҳам очкичанини сездди чоғи, бири белбоғидан, бири тўрхалтадан у-бу олиб ўртага тўкди. Тортишувлардан чарчаганликлари ҳам энди билинди. Шунча тепалиқни ўйиб, шунча тупроқ ташиб мўнчалик чарчамаган эдилар. Чиндан ҳам мушкул экан...

У-бу тамадди қилгандан кейин, аъзойи баданлари бўшашиб, уйку тортди турса ҳам, хотиржам бўломас, беҳаловат эдилар.

Озик-овқатнинг хидини олдимми, пойгак томонга каламуш югуриб ўтди.

— Хув, падарингга лаънат! — деди иштаҳаси қочиб, кўнгли бечини бўлиб ўтирган Еттинчи. Энди унинг саволи ҳам қолмаган эди. Тўғрироғи, бир-бирига мингашган чигал-чирмов саволлар уни енг-

ган, дармонини қуритган эди. У ҳам энди лоқайд бўлиб қолди, кўпга келган тўй, бошқаларга нима бўлса, унга ҳам шу-да.

— Тўхта, тўхта! — деди Иккинчи шу маҳал ҳовлиқиб. Ака-ука Учинчи-Тўртинчиларнинг «дастурхон» қилиб ёйган кўк қоғозини тортиб олди. Ундаги пиёла юмалаб, икки ховуч жийда, туршак, яна алланималар сочилиб кетди. Ака-укаларнинг оғзи очилиб қолди. Иккинчи қўлидаги кўк қоғозга тикилган эди. Қоғозғижимланиб, йиртилиб кетган, чети ҳўл, бир бурчаги бутун-

пилди, биродарлар! — деди Иккинчи атрофда чарақлаган қора кўзаларга тикилиб. Ўзи ҳам ҳазина тоғандай, ўлимга маҳкум этилган дўстларининг нажоткоридай бахтиёр эди, очилиб кетди: — Мада-ний жамиятда яшаймиз, азизлар. Бундай жамиятда инсон ҳеч қандай вазиятда ҳам йўл-йўриқсиз қолмайди!

Инструкция — бамисоли мушкул қушод. Толиққан вужудларга ҳаловат қайтиб келди. Овқат, чарчок, рухий хотиржамлик, бу омад ҳаммани элитди. Кечадан бери ух-

— Ҳа, оммани дегани. «Массани ҳарорат селция» бўйича — 5-дан паст бўлмаган салқин жойда саклаш керак».

— Ҳа, салқин жойда.

— «Иккиламчи...» — буниси йиртилибди. «Тўртламчи» модда. Ўйлаб бўлгандан кейин... кўларни, албатта, ювиб ташлаш керак».

— Ювдик, ювдик!

— Тўхтанглар! — деди ака-укалардан бири, Тўртинчи.

— Тўхтанглар, биродарлар... бу... «ўйлаб» эмас, «ўйнаб», «ўйнаб

— Ҳа, оммани дегани. «Массани ҳарорат селция» бўйича — 5-дан паст бўлмаган салқин жойда саклаш керак».

— Ҳа, салқин жойда.

— «Иккиламчи...» — буниси йиртилибди. «Тўртламчи» модда. Ўйлаб бўлгандан кейин... кўларни, албатта, ювиб ташлаш керак».

— Ювдик, ювдик!

— Тўхтанглар! — деди ака-укалардан бири, Тўртинчи.

— Тўхтанглар, биродарлар... бу... «ўйлаб» эмас, «ўйнаб», «ўйнаб

— Ҳа, оммани дегани. «Массани ҳарорат селция» бўйича — 5-дан паст бўлмаган салқин жойда саклаш керак».

— Ҳа, салқин жойда.

— «Иккиламчи...» — буниси йиртилибди. «Тўртламчи» модда. Ўйлаб бўлгандан кейин... кўларни, албатта, ювиб ташлаш керак».

— Ювдик, ювдик!

— Тўхтанглар! — деди ака-укалардан бири, Тўртинчи.

— Тўхтанглар, биродарлар... бу... «ўйлаб» эмас, «ўйнаб», «ўйнаб

— Ҳа, оммани дегани. «Массани ҳарорат селция» бўйича — 5-дан паст бўлмаган салқин жойда саклаш керак».

— Ҳа, салқин жойда.

— «Иккиламчи...» — буниси йиртилибди. «Тўртламчи» модда. Ўйлаб бўлгандан кейин... кўларни, албатта, ювиб ташлаш керак».

— Ювдик, ювдик!

— Тўхтанглар! — деди ака-укалардан бири, Тўртинчи.

— Тўхтанглар, биродарлар... бу... «ўйлаб» эмас, «ўйнаб», «ўйнаб

— Ҳа, оммани дегани. «Массани ҳарорат селция» бўйича — 5-дан паст бўлмаган салқин жойда саклаш керак».

— Ҳа, салқин жойда.

— «Иккиламчи...» — буниси йиртилибди. «Тўртламчи» модда. Ўйлаб бўлгандан кейин... кўларни, албатта, ювиб ташлаш керак».

— Ювдик, ювдик!

— Тўхтанглар! — деди ака-укалардан бири, Тўртинчи.

— Тўхтанглар, биродарлар... бу... «ўйлаб» эмас, «ўйнаб», «ўйнаб

— Ҳа, оммани дегани. «Массани ҳарорат селция» бўйича — 5-дан паст бўлмаган салқин жойда саклаш керак».

— Ҳа, салқин жойда.

— «Иккиламчи...» — буниси йиртилибди. «Тўртламчи» модда. Ўйлаб бўлгандан кейин... кўларни, албатта, ювиб ташлаш керак».

— Ювдик, ювдик!

— Тўхтанглар! — деди ака-укалардан бири, Тўртинчи.

— Тўхтанглар, биродарлар... бу... «ўйлаб» эмас, «ўйнаб», «ўйнаб

— Ҳа, оммани дегани. «Массани ҳарорат селция» бўйича — 5-дан паст бўлмаган салқин жойда саклаш керак».

— Ҳа, салқин жойда.

— «Иккиламчи...» — буниси йиртилибди. «Тўртламчи» модда. Ўйлаб бўлгандан кейин... кўларни, албатта, ювиб ташлаш керак».

XX аср ўзбек ҳикояси

ламаш шитирлагани эшитилди. Ҳар замонада столдаги телефонга қараб қўйишди — кўрсатма бўлиб қолар деган илинж, сира ўлмайдиган умид бор-да...

Жимлик қўлоқларда зингиллаб, сабр-бардошини эгловайди. Шу ерда димкичи ўлиб кетасизлар деса ҳам... ишқилиб, бирон-бир кўрсатмача бўлса... Тавба, аста-фуруллоҳ, шундай уйга келганлар ҳам бўлди-да. Ахир, одамни ҳам ўз ўзига қўйиб берадим!

Бир пайт бир чинкириқдан сукут дарз кетди.

— Ануни қаранглар!

Мизғиб ўтирганларнинг кути ўчди. Чинкириқ ака-укаларнинг бири — Учинчи эди. Унинг алоҳида овозини энди эшитишди, овози ўткир экан. Ҳамма у кўрсатган пойгак томонга қаради, ўша ердан кичкинагина бир нуқта — ёруғлик қоронғи горни тешиб кирган эди. Ингичка шўъла, бир чимдимгина нур ичкари томондаги кўр деворга ўқдай қадалиб турибди.

— Ёруғлик! Ёруғлик! — деб қичқирди.

— Каламуш тешибди! Каламуш! Биринчи шу нафис нур тасмаларидан сеҳрлангандай аста ўша томон юриб, девор ёнида тўхтади. Ўйлаб туриб, этиги билан бир тепган эди, икки замбил тупроқ ўпирилиб, шовуллаб тушди-да, одам бўйи тешиқ очилиб кетди. Қўн қириб келгандай бўлди горга.

Жўра-жамоат шовқин-сурон билан ўша томон ошди. Биринчи ташқарига қаради:

— Оғизларингдан гуллаб қўймаларинг, каламуш йўл кўрсатди деб! Каттамининг ори қелиб, бизни нотўғри тушуниб ўтирмасин!... (Оқари. Боши ўтган сонларда)

Тарихий обидаларимиз

ШАРҚНИНГ БЕБАҲО ДУРДОНАСИ

Қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрига келган сайёҳ шарқ меъморчилигининг аjoyиб дурдоналари — Улғубек, Шердор, Тиллақори мадрасаларидан, Шохизинда ва Ғури Амир макбараларидан, нақшкор ва гўзал Бибиҳоним масжидидан нигоҳини узолмайди. Ҳусусан, Бибиҳоним жоме масжиди бутун муулмон оламида йирик меъморий обидалардан бири саналади.

Бибиҳоним жоме масжиди улғуворлиги ва бетакор нақш-нигорлари билан неча асрлардан буён жаҳон аҳлини ҳайратга солиб келаётган. Бунёдкор бобомиз Амир Темурнинг катта хотини Бибиҳоним номи билан аталган бу тарихий обида Соҳибқирон фармони билан 1399-1404 йилларда барпо этилган. Тарихчи Ғиёсиддин Али ўзининг «Хиндистонга юриш кундалиги» китобида қурилиш бошланган кунларни эслаб, шундай ёзган эди: «801 йил, Рамазонини шариф ойининг тўртинчи кунини (милодий 1399 йил 10 май). Темур масжид қуриш учун пойтахтининг энг кўркам жойини танлади. Машҳур усталар ва бинокор меъморлар улкан иморатнинг пойдеворини қура бошлади». Тарихчи Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома» асарида маълумот беришча, жоме масжидининг қурилишида маҳаллий усталару муҳандислардан ташқари, Озарбайжон, Хиндистон ва форс мамлакатларидан келган беш юз нафар моҳир тоштарошлар ишлаган, яна беш юз киши эса тоғдан тош қисиб, шаҳарга жўнатиш билан машғул бўлган. Улкан тошлар тоғлардан арава-ларда ташиб келирилган. Устлар, тоштарошлар, нақшкорлар, гишт терувчилар, хунарсанд ва бошқа турли касб эгаларининг зиммасига вазиқлар юклатилиб, қурилишни тез ва бевосита амалга оширишга киришилган. Бибиҳоним жоме масжиди қурилишига пишиқ гишт, мрамар тош ва ганч ишлатилган. Мрамар тошлардан тўрт юз саксонга устуни йўнтилган. Уларнинг ҳар бирининг узунлиги етти газ бўлиб, масжид айвонларига

ишлатилган. Баланд шифти ва аjoyиб фарши гўяда сифатли қилиб силлиқланган, тош парчалар билан чиройли безатилган. Масжиднинг фаршидан тепасигача ўн газни ташкил этган, тўрт бурчагида биттадан минора қад кўтарган. Шунингдек, масжиднинг етти маъдан қотишмасидан ишланган улкан дарвозаси бўлган.

Бибиҳоним жоме масжиди тўрт улғувор иморатдан: катта масжид, икки кичик масжид ва улкан пештоқдан иборат бўлиб, улар тўртбурчакли ҳовлида жойлашган. Ҳовлининг тўрт бурчагида тўртта минора қад кўтарган. Беш минг квадрат метр сахли ҳовли 480 устунга ўрнатилган гумбаз билан ёпилган. Меъморий обида жойлашган майдон анча катта бўлган. Ташқи деворлар билан ўраб олинган масжиднинг тўрт бурчакли ҳовлиси узунлигига 167 метр, энига 109 метрга чўзилган. Масжид бурчакларидаги минораларнинг баландлиги 31 метрни ташкил этган.

Жоме масжиди равоқининг икки четигадики миноралар баландлиги 51 метрга, катта масжид минораларининг баландлиги 43 метрга, пишиқ гишдан ишланган масжид деворларининг қалинлиги эса 4-4,5 метрга, шунингдек, масжид пештоқининг эни ва бўйи 45 метрга тенг бўлган. Ҳайбатли пештоқ ўртасида кенглиги 18,8 метрлик равоқ, ички томонидан ҳам чоргоқ иккинчи равоқ жойлашган. Унда мрамар ҳошияли дарвоза бўлган. Пештоқнинг ён қаторларидаги иккита айланма зинадан юқорига — кунгир равоқ майдончага чиқилиб, ундан минорага ўтилган.

Тарихчи Ҳофиз Абрӯ масжидни таърифлаб: «Меҳроб темирдан тайёрланиб, усти нодир шакллар, гаройиш нақшлар, гўзал битик ва нафис безаклар билан қопланган. Бутун бинонинг ҳовлиси ва томи тошдан ишланган ва бош тошлар ўзаро шу қадар жипс бирлаштирилганки, қанча ою йиллар ўтмасин, нақшлари уммағай ва бутун бино завоқ кўрмай, дунё турғунча тургай», деб ёзган эди. Масжиднинг ички қисмини пардозлашда наққошлик безаклари қато-

рида зарҳал бўртма нақшлардан ҳам фойдаланилган. Кўп қирралли юлдузлар уч қаватли хатлар ўйилган лаъҳалар, жажжи мукарнаслар (равоқли косачалардан ташкил толган мураккаб шаклдаги безак тури) билан безалган, ҳошиялар оқ тошдан йўнтилган. Тарихнавис Ибн Арабшоҳнинг маълумотида кўра, Бибиҳоним жоме масжиди маҳобатидан ҳайратга тушган замондошлари гурур билан: «Обидаларимиз авлодларга бизнинг қимлигини миздан дарак беради», деб айтишаркан. Шарафиддин Али Яздий эса «Агар осмон гумбаз бўлмаганда бу масжид гумбаз оламда ягона бўлар эди», деб ёзган. Шунингдек, академик В.Радлов 1868 йили Бибиҳоним жоме масжидини кўриб, унга: «Бу масжид барча масжидлар ичидан энг аjoyиб ва улғуворидир» деб баҳо берган эди.

Бибиҳоним номи билан аталган бу меъморий обида жаҳондаги нодир ёдгорликлар қаторида ЮНЕСКОнинг «Бутун жаҳон маданий мерослари рўйхати»га киритилган. Масжид биноси асрлар оша қор, ёмғир ва зилзилалар оқибатида ҳамда эътиборсизликдан анча зарар кўрган. 1868 йили чор Россияси қўшинлари Самарқандни камал қилганда масжиднинг кўп жойлари вайрон бўлган. 1897 йили эса масжиднинг бош пештоқини хавфли деб атай бўзиб ташлашган. Сирли қошилар, мрамар битиклар, ўймакор нафис эшиклар, гиштар талон-тороқ қилинган. Масжид биноси узоқ вақт таъмирсиз, қоровсиз қолган.

Истиқлол йилларида исломий обидалар, шу жумладан, Бибиҳоним жоме масжиди ҳам ўзининг ҳақиқий қадр-қимматини топа бошлади. Бунёдкор бобомиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги олдидан масжид биносини таъмирлашга киришилди. Самарқанднинг машҳур бинокор усталари Мирумар Асодов бошчилигида шаҳардаги бошқа меъморий ёдгорликлар қатори Бибиҳоним жоме масжиди ҳам таъмирлашиб, асл қиёфасига келтирилди.

Ғафил БОЙТИЛЛАЕВ

ДУНЁ — ЎЗМ, ЎЗБЕКИМ — ЎЗМ

Дунё — узук, ўзбегим — кўзи,
Нурга бошлар боболар сўзи,
Ўз юртига эғдир ўзи,
Истиқболнинг муборак, элим!

Ватан қадри биланлар айтсин,
Шукролар қилганлар айтсин,
Даврон сўриб, қузганлар айтсин,
Истиқболнинг муборак, элим!

Кўрлмаган кўз толиди букув,
Ғаним ортда, танг қолди букув,
Жаҳон бизни тан олдди букув,
Истиқболнинг муборак, элим!

Юрт тупроғи кўза тўтиё,
Жамолга ҳамма махлюё,
Ҳавасадир бугун бор дунё,
Истиқболнинг муборак, элим!

Лола ОДИЛЖОНОВА

Табиат — табобатхона

ИСИРИҚ

Исирик қадим замонлардан бери Шарқ халқлари табобатда кенг қўлланиб келинаётган шифобахш гиёҳлардан ҳисобланади. Халқ табобатида исирикнинг ер устки қисмининг қайнатмасидан тери касалликларида, бодни даволашда ванна қилиш йўли билан фойдаланиш тавсия этилган.

Исирикдан тайёрланган қайнатма ва дарамаалардан безак, туптанок, шамоллаш билан боғлиқ бўлган касалликларни даволашда фойдаланилади. Ушбу қайнатма билан оғиз қайқаландиган бўлса, оғиз бўшлиғи ва томоннинг шамоллашга хотима бери-

лади.

Абу Али ибн Сино исирикни қўйимч асбоблари шамоллағанда, тазза ва суяклар қасқаб оғриганда оғрик қолдирувчи омил сифатида ишлатишни тавсия этган. У исирикдан қучли сийдик ҳайдовчи дори сифатида фойдаланган.

Исирик ва зигир уруғининг қайнатмаси нафас олишини қийинлаштиришда, қалампир уруғи қайнатмаси билан бирга заҳм, бод касалликларини даволашда ишлатилади. Исирик тутуни билан хоналарни тутатиш уй-жойларни дезинфекция қилиш билан бирга, хона ҳавосини ҳам тозалайди.

ADOLAT

ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ ГАЗЕТА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ»
СДП СИЁСІЙ КЕНГАШИ

www.adolat.uz • E-mail: adolat_gazeta@mail.ru

Тахрир хайъати

Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА,
Иқбол МИРЗО,
Турсунали ҚЎЗИЕВ,
Турсунгул ДАМИНОВ,
Равшан ҲАЙДАРОВ,
Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ,
Исмоил САЙФНАЗАРОВ,
Собир ТУРСУНОВ,

Шермат ШАМСИЕВ,
Светлана ОРТИҚОВА,
Мукаррамхон АЗИМОВА,
Жуманиёз АЛИБЕКОВ,
Камол АЛЛАЕВОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Таълат МУРОДОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган

Телефонлар: қабулхона — 136-53-14; факс — 133-40-86; котибият — 136-55-96; реклама бўлими — 133-41-89

Махсус: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланган

• «Адолат»дан кўчириб босиш фақат тахририят рухсати билан амалга оширилади.
t — Тижорат мақолалар белгиси.

Нашр индекси — 100

Навбатчи — Б.ТОШНАЗАРОВ
Саҳифаловчи — З.БАКИРОВ